

НАЗРАИЁТЧИЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

HAKIM TERMIZIY'S POSITION AMONG THE THEORISTS OF SUFISM IN
MOVAROUNNAHRПОЛОЖЕНИЕ ХАКИМА ТЕРМИЗИЯ СРЕДИ ТЕОРЕТИКОВ СУФИЗМА
В МОВАРУННАХРЕ**Баходиржон Аъзамов**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

таърих докторанти, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
ўқитувчиси

Аннотация Бу илмий мақолада Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг Мовароуннаҳр тасаввуф мактаби назариётчилари орасидаги ўрни илмий далиллар мисолида баён этилди. Унинг тасаввуфий қараишлари, хотамул-анбиё ва хотамул-авлиё назарияларига нисбатан эътироз билдирган айрим олимларнинг танқидлари илмий таҳлил қилиниб, танқидчиларга бошқа олимларнинг муносабат ва жавоблари ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, Имом Ибн Таймиянинг салбий фикрларига Имом Заҳабий, Суламий каби қадимги олимларнинг раддия ва муносабатлари келтирилиб, профессорлар М.Жуюший, А.А.Сойиҳ, Х.Заҳрий ва маҳаллий олимларимиз – Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Шайх Абдулазиз Мансур, Иброҳим Усмоновларнинг мавзуга оид фикрлари асосида жавоб берилди. Алломанинг тасаввуф илмидаги машҳур устоз ва машойихлари таржимаи ҳоллари ёритилди. Шарқ ва Ғарбнинг таниқли ва машҳур олимларини Ҳаким Термизийга эътирофлари ёритилди. Хулоса қисмида эса, алломага билдирилган эътирозлар унинг тасаввуфий қараиш ва назариялари моҳиятини англай олмасликдан юзага келгани таъкидланди.

Калит сўзлар: Оят, ҳадис, тафсири, ботиний ва зоҳирий маъно, тасаввуф, хатмун-нубувват, хатмул-вилоят, валийлик, муҳр.

Abstract. In this scientific article, the place of Abu Abdullah Muhammad ibn Ali Hakim at-Tirmidhi among the theorists of the Mowarounnahr school of Sufism was explained using the example of scientific evidence. Criticisms of some scientists who objected to his mystical views, Khotamul-Anbiya and Khotamul-Awliya theories were scientifically analyzed, and the reactions and answers of other scientists to the critics were mentioned. In particular, the negative opinions of Imam Ibn Taymiyyah were refuted and treated by ancient scholars such as Imam Zahabi and Sulami. was answered based on their opinions. The biographies of Alloma's famous teachers and mentors in Sufism were covered. Acknowledgments of well-known and famous scientists of the East and West to Hakim Termizi were highlighted. In the concluding part, it was noted that the objections expressed to the scholar arose from the inability to understand the essence of his mystical views and theories.

Key words: *Verse, hadith, interpretation, inner and outer meaning, mysticism, khatmun-nubuwwat, khatmul-vilayat, guardianship, seal.*

Абстрактный. *В данной научной статье на примере научных доказательств объяснено место Абу Абдуллы Мухаммада ибн Али Хакима ат-Тирмизи среди теоретиков школы суфизма Моваруннахр. Научно проанализирована критика некоторых ученых, возражавших против его мистических взглядов, теорий Хотамул-Анбия и Хотамул-Аулия, а также отмечены реакции и ответы других ученых критикам. В частности, отрицательные мнения Имама Ибн Таймийи были опровергнуты и рассмотрены древними учёными, такими как Имам Захаби и Сулами, и на них были даны ответы на основе их мнений. Освещены биографии знаменитых учителей и наставников Алломы в суфизме. Были отмечены благодарности известных и известных ученых Востока и Запада Хакиму Термизи. В заключительной части отмечалось, что возражения, высказанные ученому, возникли из-за неспособности понять суть его мистических взглядов и теорий.*

Ключевые слова: *Аят, хадис, интерпретация, внутренний и внешний смысл, мистика, хатмун-нубувват, хатмул-вилаят, опека, печать.*

КИРИШ

Исломиё фан тармоқларининг замиридаги асосий ғоялардан бири инсон зоҳирий ва ботиний оламини сайқаллаб, уни рухий ва маънавий камолот сари бошлаш назарияси ҳисобланади. Бу ғояни амалий татбиқ этишда айниқса, тасаввуф илми катта ўрин тутди. Қисқача айтганда, бу илмда назариёт билан бир қаторда машойихларнинг ўз шогирдларини рухий камолот сари етаклаш услублари ва тарбия методлари ўз аксини топган. У илм ва амал уйғунлигида олиб бориладиган нафс ва рух тарбиясига оид фан, дейилса тўғри бўлади. Ушбу илмнинг алоҳида фан сифатида шаклланишида Ўрта Осиё мутафаккири ва машойихлари катта ўрин тутди. Мовароуннахр тасаввуф мактаблари орасида қадим Термизда илмий фаолият олиб борган назариётчи олимлар ва уларнинг асарлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу фаннинг ана шундай назариётчиларидан бири қомусий олим Ҳаким Термизий (мил. 820-932) дир. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир бўлиб, “Абу Абдуллоҳ” кунyasi ва “Ҳаким” унвони ҳамда “Термизий” нисбаси билан машҳур бўлган. У қадим Термиз шаҳрида таваллуд топиб, дастлаб ўз юртида, сўнг ўша даврдаги ислом маданияти марказлари саналмиш шаҳарларга сафарлар қилиб, тасаввуф ва бошқа исломий илмларни йирик олимлардан ўрганган. Олимнинг “Ҳаким” (донишманд, ҳикмат соҳиби) унвони билан танилгани ҳам унинг исломий илмларда етук олимлар қаторида саналишини билдиради. Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти, хусусан, тасаввуфий асарлари ва назариялари Х-XXI асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинаётгани алломанинг олимлар назаридаги ўрни ва асарларининг илмий қиймати юқорилигини англатади. Шунга қарамай, Ҳаким Термизийнинг айрим тасаввуфий назарияларига баъзи олимлар эътироз билдирган.

Мақолада шу каби масалаларга объектиб ёндашган ҳолда олимларнинг унга муносабатлари таҳлилий ўрганилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳаким Термизий яшаган VIII-IX асрлар Ўрта Осиёда илм-фаннинг илк тараққиёт чўққисини забт этаётган даври деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврдаги илм-фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган олимлар қаторида Ўрта Осиёдан етишиб чиққан кўплаб алломаларни санаш мумкин. Хусусан, ислом илмлари қаторида тасаввуф асосларининг назариятчи олимларининг аксари ўрта асрларда яшаб, ўз илмий фаолиятларини олиб борган дейиш мумкин. Бу босқичда қадимий исломий марказлардан бири бўлган Термизда истиқомат қилган олимларнинг ўрни бекиёс. Зеро, Термиз шаҳри “Мадинат ар-рижол” (Авлиёлар шаҳри)³¹ деб аталиши бежиз эмас. Зеро, Термиз шаҳри у даврда илм-фан ва маданият бешикларидан бири сифатида дунёга танилиб, турли минтақалардан талаба ва олимлар илмий музокараларга ташриф буюрадиган илмий тараққий этган минтақалардан бири ҳисобланган. Ҳаким Термизий шу даврда фаолият юритиб, маънавий мероси билан Термиз ва Мовароуннаҳр илмий муҳити ривожига муносиб ҳисса қўшган олимлардан бири саналади.

Манбаларда Ҳаким Термизийнинг илмий салоҳияти ва асарлари эътироф этилиши билан бирга унинг айрим тасаввуфий қарашлари танқид қилинган. Уламоларнинг Ҳаким Термизий ҳақидаги фикрлари турлича эканининг бош сабаби унинг тасаввуфий қарашлари билан боғлиқ. Айниқса, унинг “Хатмул-авлиё” (Валийлар муҳри)³² китобидаги “хатмул-вилоя” назариясига боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Олим унда олға сурган – пайғамбарларнинг хотами – муҳри, муҳрдори, энг шарафлиси бўлгани каби, авлиёларнинг ҳам хотами – муҳри, муҳрдори, энг шарафлиси бўлиб, унинг бошқа авлиёлардан афзаллиги ҳақидаги қарашлари айрим олимларнинг эътироз ва муҳокамаларига сабаб бўлган (А.А.Сойих, 2013:167-170). Ҳаким Термизийнинг “Хатмул-авлиё” китобида кўтарилган бу мавзу “Аҳзоб” сурасидаги (وَلَكِنْ رَسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ) (التَّيِّبِينَ) “...балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир”³³ оятидаги “хотам” – “муҳр” сўзининг мазмуни билан боғлиқ. Оятдаги (خَاتَمَ) “муҳр” сўзи жисм-буюм маъносини ифода этса-да, унинг “шараф”, “фазилат” каби маънавий мазмуни ҳам бор. Унинг ҳиссий ва маънавий маънолари орасида кучли мантиқий боғлиқлик бор. Маълумки, муҳр подшоҳнинг ҳузуридаги энг шарафли, ҳурматли ва ишончли кишининг қўлида бўлади. Шунингдек, муҳрнинг вазифаси қайсидир ёзма ҳужжатнинг ҳақиқий эканини тасдиқлаб, унга якуний хулоса беришдир. Демак, бу ояти карима мазмунидан Муҳаммад алайҳиссалом барча пайғамбарларнинг ҳақ йўл сари чақириқлари ҳақиқий эканини тасдиқлаб, уларнинг ишларини мукамал тарзда яқунлаб муҳр босувчи пайғамбар экани англанади. Шайх Абдулазиз Мансур мазкур ояти карима тафсирида “Бу ерда Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломни

³¹ Қаранг: М.Исмоилов. Ал-Ҳаким Ат-Термизий. Яширин масалалар (Масоил ал-макнунa). Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. – Б. 3.

³² Бу китоб “Хатмул-вилоя”, “Хотамул-авлиё”, “Сийратул-авлиё” ва бошқа номлар билан ҳам машҳур бўлган. Қаранг: Таржимон ва изоҳлар муаллифи Комилжон Раҳимов. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ул-авлиё (валийлар муҳри). – Тошкент: “Ношир”, 2017. – Б. 13.

³³ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – Б. 423. “Аҳзоб” сураси, 40-оят.

“Пайғамбарларнинг муҳри” деб атади. Зеро, ҳар бир муҳим ёзма ҳужжат сўнгида муҳр босилгани каби охириги пайғамбар келгач, пайғамбарлар китобига ҳам муҳр босилгандек бўлди”, деб ёзган (А.Мансур, 2004:423).

Ҳаким Термизийнинг бунчалик танқидга учрашига сабаб, унинг оятдаги “Пайғамбарларнинг хотами” мақомига қиёсий ёндашиб, “хотам” лик мақоми авлиёлар орасида ҳам бўлиши, “хотамул-авлиё” мақомига етишган авлиёнинг ўзидан олдинги ва ўз давридаги барча авлиёлардан афзал бўлишини айрим ояти карима ва ҳадиси шарифларда ушбу маънони (очиқ-ойдин эмас, балки) ишора тарзида ифодаловчи баъзи калима ва ибораларни асос қилиб кўрсатган (А.А.Сойих, 2013:167-170). Бу фикрга эътироз билдирган олимлар ундай маъно Куръон карим, суннат-ҳадис ва олимлар иттифоқ қилган манбаларда очиқ-ойдин баён қилинмагани, қолаверса, ушбу фикрни Ҳаким Термизийдан илгари сўзи эътиборга олинмаган бирор олим айтмаганини таъкидлайдилар. Жумладан, Ибн Таймия (мил. 1263–1328)³⁴ бундай деган: “Хотам авлиё” борлиги ҳақидаги даъво асоссиз ва ботил. Бу гапни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Термизий Ҳакимдан бошқа таниқли бирор олим айтган эмас. У “Хатм авлиё” китобида бу масалани кўтарган бўлиб, унда рад этилиши вожиб бўлган хато гаплар бор. Улардан бири Қиёматга яқин хотам авлиё чиқиши ва у аввалги барча валийлардан афзал ҳамда юқори даражада бўлади, деган даъводир” (И.Таймия, 1930:115-116).

Ибн Таймиянинг шогирди Имом Заҳабий “Тарих ал-ислом” (Ислом тарихи) китобида баъзи сўфийларнинг шатаҳот-ўта асоссиз фикрлари ҳақида сўзлаб, навбат Ҳаким Термизийнинг таржимаи ҳолига келганда, қуйидагиларни ёзган: “Ҳаким Термизий ҳақида бундай фикрга келишдан Аллоҳ асрасин. Йўқ, у асло ушбу (адашган) йўналишдаги сўфийлардан эмас. У ҳадис илмида имом (пешқадам), ҳадиснинг зоҳирий (бир қарашда англаш мумкин бўлган) маъноларини чуқур англаши билан бир қаторда унинг ишоравий (ботиний-туб) маъноларини ҳам тўғри англови, гап-сўзи тотли зотдир. Бошқа катта олимларга нисбатан танқидлар бўлгани каби унга ҳам баъзи бир таъна-дашномлар бўлган. Ахир хато қилишдан Аллоҳнинг Ўзи сақлаган (маъсум) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа ҳар қандай одамнинг қайсидир сўзи қабул қилиниб, қайсидир сўзи рад этилиши табиий ҳолдир” (М.Заҳабий, 2016:XXI/278).

Буни эса, имом Заҳабий томонидан устози Ибн Таймиянинг Ҳаким Термизий борасидаги фикрига раддия деб баҳолаш мумкин. Дарҳақиқат, барча йирик олимларнинг у ёки бу фикрлари танқидга учрагани кузатилади. Қолаверса, бир неча олимлар Ҳаким Термизийга билдирилган эътирозлар унинг мақсадини англай олмасликдан юзага келганини айтган. Жумладан, Абу Абдуллаҳ Суламий (мил. 936-1021) Ҳаким Термизий “Хатмул-авлиё”, “Исботу илалаш-шариъа” (Шариат ҳукмлари сабаб-ҳикматларини исботлаш) китобларини тасниф этгач Термиздан қувғин қилингани, аслида, бу китобларда нотўғри фикр борлигидан эмас, балки, даъвогарлар муаллиф мақсадларини тушуна олмаганидан юзага келгани билан изоҳлайди.

³⁴ Тақийуддин Абулаббос Аҳмад ибн Абдулҳалим ибн Таймия Ҳарроний (мил. 1263–1328).

Сулабийнинг мазкур фикрини Тождин Субкий (мил. 1328-1370) ўз асарида келтириб, ортидан шундай ёзади: “Дарҳақиқат, бу ишга Сулабий айтгандек, тушунмовчилик сабаб бўлгандир. Акс ҳолда, биз Ҳаким Термизийдек олим у ёқда турсин, оддий бир мусулмон киши ҳам пайғамбар бўлмаган шахсларни пайғамбарлардан афзал санайди деб ўйламаймиз” (Т.Субкий, 2012:III/245).

Ҳаким Термизий асарлари бўйича кўп илмий изланишлар олиб борган марокашлик олим проф. Холид Заҳрийнинг бу борадаги фикри қуйидагича: “Бу масалада қатъий хулосага келиш, тўқима-бўхтон гаплардан тўғри фикрни ажратиб олиш, танқидчиларнинг Ҳаким Термизий фикрини англашга фаҳм ва идроклари қосирлик қилганини билиш учун “Хатмул-авлиё” китобини тўлиқ ўқишимиз ҳамда унинг хитобини чуқур таҳлилий мушоҳада этишимиз лозим бўлади. ... Мен у китобнинг қўлёзма ва нашрларига мурожаат қилиб, уни тўлиқ ўқиб чиқиб, мазкур айбловлар саҳиҳ ва тўғри эмаслигини хулоса қилдим. Зеро, китобнинг бир неча ўринларида пайғамбарнинг авлиёдан афзал экани очиқ-ойдин баён этилган...” (Х.Заҳрий, 1998:16).

Ушбу танқид чуқурроқ таҳлил этилса, аввало, Ибн Таймиядек шахснинг Ҳаким Термизий асарлари билан танишиб боргани, уларга бефарқ бўлмагани ва аллома Термизда истиқомат қилган бўлсада, асарлари дунё бўйлаб турли минтақаларга тарқалиб, ҳаминша олимлар эътиборида бўлганини билдиради. Қолаверса, тасаввуф намояндаларини кескин танқид қилиш билан танилган Ибн Таймия унинг “хотамул-авлиё” назариясига эътироз билдиришда бошқа сўфийларни танқид қилганидек, қўпол сўзлар билан эмас, балки, олим Холид Заҳрий айтганидек, Ҳаким Термизийнинг буюклигини эътироф этган ҳолда ҳурмат билан зикр қилган (Х.Заҳрий, 1998:16).

Доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший (ваф.2006) мазкур ҳолатни бошқа асослар билан изоҳлайди: “Сиёсий беқарорлик пайтида Ҳаким Термизий ва термизлик номи улуғ, сурпаси куруқ илм даъвогарлари ўртасида ихтилоф ўти аланга олиши натижасида ўша ноҳолис рақиблар ҳокимга шикоят қилиб, уни айбдор кўрсатишган. Ҳукуматдаги беқарорлик волиларнинг унга нисбатан муносабатларига салбий таъсир этгани шубҳасиз” (М.И.Жуюший, 1980:23-27). Дарҳақиқат, Жуюшийнинг бу фикри ўша давр воқелилигига мувофиқ келади. Барча даврларда ҳам йирик олимларга ҳасад қилувчилар топилган. Зеро, Ҳаким Термизий ҳам “Будувву шаъни Аби Абдиллаҳ” (Абу Абдуллоҳ – Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши) номли ўз таржимаи ҳолини ёритган рисоласида унинг номини қора қилишга уринган бу кимсаларни “ашкол” – маънан қашшоқ, куруқ шаклдан иборат шахслар³⁵, деб тилга олиб, уларнинг бу қилмишлари ҳасадгўйлик ва тажовузкорликдан иборатлиги халқ олдидаги очиқ музокараларда фош бўлиши оқибатида режалари барбод бўлиб, асл вазиятни англаган халойиқ Ҳаким Термизий томонига ўтиб кетганини ёзган (У.Яҳё, 1965:20-21). Мисрлик

³⁵ “Ашкол” сўзининг маъноси луғат китобларида шундай берилган. Қаранг: Муаллифлар жамоаси. Ношир: Абдумажид Тўхтаров. АН-НА’ЙМ арабча-ўзбекча луғат. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – Б. 432.

доктор А.А.Барака, А.А.Сойиҳ тадқиқотлари мавзуга шундай ёндашган олимлар фикрини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистонда ислом илмлари ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли уламо, муфассир ва муҳаддис, тасаввуф илмида етакчи мутахассислардан бири, собиқ муфтий Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (1952-2015) бу мавзуда қуйидагиларни ёзган: “Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳининг, авлиёлар анбиёлардан устун туради, деган фикрни олға сурган (деб айтган) ларга барча уламолар кескин раддия қиладилар. Бу гап қуруқ тухматдан бошқа нарса эмаслигини таъкидлайдилар. Буни нафақат Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳи, балки номи олим бўлмаган бирор киши айтиши мумкин эмаслигини қайта-қайта такрорлайдилар. Шу билан бирга, беайб Парвардигорнинг Ўзи. Маъсумлик эса пайғамбарларга хос. Қолганларнинг барчалари, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан бирида келганидек, одам болалари кўп хато қилувчилардир ва кўп хато қилувчиларнинг яхшиси кўп тавба қилувчилардир. Кўпчилик уламолар орасида, ҳар бир тулпорнинг қоқилиши бўлгани каби, ҳар бир уламонинг қоқилиши бордир. Уламоларнинг қоқилишини ўтказиб юбориш лозим. Бир олимнинг баъзи одамлар турли сабабларга биноан тушуна олмаган бир оғиз гапи ўша олимнинг кўплаб китоблари ва фикрларига соя солиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, ўзини билган аҳли илмлар Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳини эҳтиром қилганлар. У кишини катта уламолар сафида зикр этганлар. Бугунги кунда ҳам Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳи ҳақида фақат яхши мақтовлар айтилмоқда. Ҳатто бошқаларни танқид қилиш, улар ҳақида турли салбий маънодаги фатволарни чиқариш билан машҳур бўлган тоифалар ҳам у кишини мақташмоқда. Бу жуда ҳам мақтовга сазовор гўзал ҳолатдир”, деб ёзган (Ш.М.Муҳаммад Юсуф, 2021:31-50). Бу билан у Ҳаким Термизийга билдирилган эътирозларни рад этиб, унинг олимлар назарида эътибори юқори эканига урғу бермоқда.

МУҲОКАМА

Ҳаким Термизийнинг тасаввуф илмидаги даражасини тушуниб етиш учун унинг машойихларига тўхталиб ўтиш керак. Зеро, устознинг илмий салоҳияти шогирд камолотида катта аҳамият касб этади. Аллома тасаввуфда етук муршид ва шайхларидан тарбия олган бўлиб, улардан бири Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳазравайх Балхийдир. У ўз даврида Хуросоннинг етук машойихларидан эди. Шайх Абу Туроб Нахшабий, Ҳотим Асом каби тасаввуф пешволарининг суҳбатларида бўлиб, улардан истифода этган. Яна Абу Язид (Боязид) Бистомийнинг ҳузурига сафар қилиб, унинг ҳикмату маърифат булоғидан маънавий чанқоғини қондириб, файзидан баҳра олган. Замондоши Абу Ҳафс унинг сўфийлар табақасида энг олийҳиммат, маънавий ҳолати энг садоқатлиси эканини эътироф этган. У ҳижрий 240 (мил.854) йилда вафот қилган (А.Исфаҳоний, 2021:X/42).

Ҳаким Термизийнинг машойихларидан яна бири Аскар ибн Ҳусайн (ёки Аскар ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн) Абу Туроб Нахшабийдир. Муаррихлар Абу Туроб Нахшабий Хуросонда энг илмли, футувват-мурувват эгаси ва карамли зотлардан бўлгани, таваккул, зуҳд-қаландарлик ва тақводорлик ила тилларда дoston бўлган

машойихлар эканини ёзганлар. У шофиий фикҳини чуқур ўзлаштирган олим эди. Уни Тожддин Субкий: “Абу Туроб Нахшабий ўз даврининг шайхи бўлганида бирор ихтилоф йўқ. У илм ва динни ўз ибодат йўлида тўлиқ амалий намоён қилган зоҳид-художўй, шубҳали нарсалардан парҳезкор, зарурий эҳтиёжларидан ташқарисига ғам чекмай, ҳашамат ва даб-дабадан узоқда, таваккул ва ибодатгўйлик ила яшовчи зот бўлган” дея таърифлаган (Т.Субкий, 2012:II//06). У Абу Ҳотим Аттор Басрий, Ҳотим Асам Балхий каби йирик тасаввуф олимлари билан ҳамсуҳбат бўлиб, улардан маънавий истифода қилган. Шунингдек, у ҳадис илмида ҳам кўзга кўринган олимлардан бўлган. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайр, Нуайм ибн Ҳаммод, Аҳмад ибн Наср Найсабурий ва бошқа муҳаддислардан ҳадислар ривоят қилган. Ундан ҳадис ривоят қилган имомлар орасида Аҳмад ибн Жалоъ, Абу Бакр ибн Осим, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал кабиларни учратиш мумкин. Шогирди Абу Абдуллоҳ ибн Жалоъ устозининг фазли ва юқори мартабаси ҳақида шундай дейди: “Мен умрим давомида олти юзта шайх билан учрашдим. Бироқ, улардан тўрттасига ўхшашини кўрмаганман, уларнинг ҳам ичида фикрима энг пешқадами Абу Туроб Нахшабийдир...” (М.Сулабий, 2003:II/103-106).

Термизийшунос маҳаллий олимларимиздан И.Усмоновнинг “Наводир ал-усул” асари ҳақидаги фикри ҳам Ҳаким Термизий ҳадис ва тасаввуф илмлари билимдони бўлгани ва асарларида бу уйғунликни татбиқ этганини кўрсатади: “Ҳаким Термизий ушбу асарида фақат ҳадисларни жамлаш билан чекланмай, ҳар бир ҳадисни муфассал шарҳлаб, унинг ботиний ва зоҳирий маъноларини, ҳикматини кўрсатиб, ҳадиснинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда ҳадиснинг асл маъзига етиб боришга, уни тўлиқ идрок этишга ҳаракат қилади. Унинг ҳар бир шарҳида тасаввуфий талкин сезилиб туради. Асарда ҳадислар инсон маънавий-руҳий ва маиший ҳаётида қандай татбиқ қилиш мумкинлиги кўрсатиб берилади” (И.Усмонов, 2017:6).

Ҳаким Термизий нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун ислом олами бўйлаб таниқли ва эътироф этилган қомусий аллома эканини унинг илмий мероси бугунги кунгача Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан бирдек ўрганилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Дарҳақиқат, Ҳаким Термизийни илмий меросининг ҳажми ва кўлами жиҳатидан ҳам, дунё миқёсида ўрганилиши жиҳатидан ҳам энг юқори кўрсаткичга эга алломалар қаторида санаш мумкин. Чунки, унинг асарларини тадқиқ этиш ва ўрганиш, уларнинг каталогларини тузиш, алломанинг тасаввуфий қараш ва назариялари бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар мониторинги буни тасдиқлаши шубҳасиз. Изланишлар жараёни ҳозирга қадар тўхтамай, манбаларда Ҳаким Термизийнинг бизгача етиб келмаган ва йўқолиб кетгани қайд этилган айрим асарлари³⁶ кўлёмаси ўзбекистонлик олимлар томонидан топилиб, таҳқиқ ва тадқиқ этилиб, араб тилида дунё олимлари эътиборига ҳавола этилмоқда. Бу эса, унинг асарлари бугунга қадар ўз илмий

³⁶ Доктор Жўрабек ибн Омон тадқиқоти. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн ал-Бишр ал-Ҳаким ат-Термизий. Китобу тафсир ал-Қуръон ал-мусамма Баҳр ат-тафсир. – Истанбул: Дар ал-қутуб ал-арабия, 2023. – 773 б. Китоб тафсир фанига оид классик манбалардан бири ҳисобланади.

қийматини сақлаб келаётганини билдиради. Шу ўринда машхур мутасаввиф ва муҳаддис олимларнинг айрим эътирофларини эслаб ўтиш жоиз.

Абу Нуъайм Исфажоний (мил. 947-1038) авлиёлар таржимаи ҳолларига оид асарида “У ўзи сироти мустақим-тўғри йўлда бўлиб, муржиъа каби аҳли сунна олимларига муҳолиф фирқаларга раддия берадиган, ҳадисларга мустаҳкам амал қилувчи, кўплаб машхур китоблар мусаннифидир”, деб эслайди (А.Исфажоний, 2021:І/233). Муаррих Тожуддин Субкий (мил. 1327-1370) “Абу Абдуллоҳ Ҳаким Термизий зоҳид бир муҳаддис ва сўфий, кўплаб китоблар муаллифи”, дея зикр қилган (Т.Субкий, 2012:ІІ/245). Таниқли олим Имом Заҳабий (мил. 1274-1348) эса, “У зоҳид имом, ҳофиз, муаззин, кўплаб китоблар тасниф этган”, деган (М.Заҳабий, 2012:ІІ/645). Машхур муҳаддис Ибн Ҳажар Асқалоний (мил. 1371-1448) эса, “У зот мусулмонларнинг пешво-имомларидан бири, усулуддин (дин асослари) ва ҳадислар маъноларига оид катта-катта китоблар мусаннифи, буюк олимлар билан ҳамсуҳбат бўлган”, деб ёзган (И.Ҳ.Асқалоний, 1998:ІІ/378). Тасаввуф илми назарийтчисиси, буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий (мил. 1414-1492) “Нафаҳотул-унс” асарида алломанинг ҳадис илми билимдони, кўплаб кароматлар соҳиби, Хизр алайҳиссалом билан учрашиб туриши, исломий фанларга оид кўп китоблар таълиф этгани, тафсир китобини ёзишга киришиб, у якунига етмай вафот этиб қолгани ҳақида баён қилган (А.Жомий, 2003:396-397). Буюк мутафаккир Алишер Навоий (мил. 1441-1501) ўзининг “Насоимул-муҳаббат” тазкирасида уни улуг шайхлар қаторида зикр этиб: “... Иккинчи табақадиндур. Кунияти Абу Абдуллоҳдур. Машойихи кибординдур...”, деб қайд этган (С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова, 2001:XVII/79).

НАТИЖА

Ҳаким Термизий илмий меросини ўрганган Ғарб тадқиқотчилари унинг сермахсул фаолияти билан ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган ва айниқса, тасаввуф бўйича ўзига хос йўналишга асос солган қомусий аллома бўлганини эътироф этган. Жумладан, франциялик шарқшунос олим проф. Л.Массиньон (1883-1962) Ҳаким Термизийни қомусий аллома, сермахсул ижоди билан ўзига хос мазҳаб-йўналиш асосчисига айланган, илмий муҳит ривожига китобларининг ўрни беқиёс бўлган буюк шахсият деб баҳолайди (Л.Массиньон, М.Абдур Розик, 1984:283-294”).

Маҳаллий исломшунос олимларимиздан Одилжон Қориев бу ҳақида қуйидагича ёзади: “Ўрта асрларда ҳам, кейинги даврларда ҳам Ҳаким Термизийни кўплаб олиму фузалолар ўз асарларида чуқур эҳтиром билан тилган олганлар. Унинг маънавий меросининг беқиёс қадр-қиммати ҳақида қатор манбаларда зикр этилган. Ғарб тадқиқотчилари эса, ал-Ҳаким ат-Термизийга “Минтақа тасаввуфининг отаси” деб ном берганлари бежиз эмас. Араб тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, “валийлик” мавзуси бўйича ким бирор асар ёзган бўлса, албатта, ал-Ҳаким ат-Термизий асарларига мурожаат қилмай ўта олмаган. Абулҳасан Шозилий, Иброҳим Дасуқий, Ибн Атоуллоҳ Сакандарий каби турли тариқатларнинг пешволари ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий илмий меросидан истифода этганлар. Ҳатто айрим тариқатлар амалиётида алломанинг асарларини мутолаа қилиш жорий қилинган. Мовароуннаҳрдаги тариқатларда ҳам

ўрин берилган. Айниқса, нақшбандия тариқати таълимотида аллома асарларининг таъсирини кўришимиз мумкин. Зеро, нақшбандиянинг назарийчи олимларидан бири Хожа Муҳаммад Порсо ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарларига кўп мурожаат қилгани маълум. Шу билан бир қаторда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи ҳам бир ўринда: “Мана 22 йилдирки, биз Ҳаким Муҳаммад Али ат-Термизий тариқатига эргашамиз”, деб таъкидлагани манбаларда қайд этилган” (Ж.Ҳамроқулов, 2015:23).

Ҳаким Термизийнинг Мовароуннаҳрдаги тасаввуф олимлари доирасида тутган ўрни катта бўлганини унинг “Масоил” (савол-жавоблар) туркумидаги тўпламларида мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларда турли исломий минтақа ва илм ривожланган шаҳарлардаги талаба ва олимлар йўллаган мактубларга Ҳаким Термизий ёзган жавоблари жамланган. Қисқача айтганда, “Масоил” жанри савол-жавоблар тўпламидан иборат. Бунга унинг “Жавоб ал-масоил аллатий саалаҳу аҳлу Сарахс анҳо” (Сарахс аҳли сўраган масалалар жавоби), “Жавобу китобин мин ар-Рай”³⁷ (Рай шаҳридан келган мактубнинг жавоби) каби рисолаларини мисол қилиш мумкин. Бу рисолалар немис шарқшуноси Бернд Рудольф Радки (1944 й. туғилган) томонидан тадқиқ этилиб, Байрутда 1992 йилда чоп этилган. Бу асар ўзбек тилига ҳам ўгирилган.

Булар Ҳаким Термизийнинг илм аҳли доирасидаги ўрни катта бўлганини билдиради. Бу туркум асарлари унинг Термизда истиқомат қилгани ҳолда Сарахс, Рай каби тарихий шаҳарлардаги илм аҳли эътирофига эришгани, шунингдек, унинг бирор масала юзасидан билдирган фикри фатво, айтган сўзи хужжат даражасида бўлганини кўрсатади. Унинг “Масоил” тўпламлари мазмунига тўхталган т.ф.н., доц. И.Усмонов “... Бу ном остида алломанинг 200 га яқин турли ҳажмдаги рисолалари жамланган. ... Бу рисолалар асосан руҳий таълимотларни ўз ичига олиб, ҳар бир рисола бу соҳанинг етук мутахассиси, руҳшунос-психолог томонидан жуда нозиклик билан ҳамда юксак дид ва савияда берилган жавоб, йўл-йўриқ ва кўрсатмалардир”, деб ёзади (И.Усмонов, А.Маллабоев, 2020:1/11).

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ҳаким Термизийнинг тасаввуф Мовароуннаҳр тасаввуф назарийчи олимлари орасида тутган ўрни беқиёс ҳисобланади. Унинг чуқур маънога эга тасаввуфий назария ва қарашларига нисбатан билдирилган эътирозлар асоссиз экани айтиб ўтилди. Танқидлар аллома мақсадларининг туб мазмун-моҳиятини тўғри англамаслик, ботиний жиҳатларига эътибор бермай, зоҳирий маънода юзаки тушуниш натижасида юзага келган. Буни эса, Ҳаким Термизий асарларини ўрганган олимларнинг холис фикрлари тасдиқлайди. Алломанинг “Хатм ал-авлиё” (Валийлар муҳри-сўнгиси) асари ҳам тасаввуф илми, валийлик назарияси ва авлиёлар табақаларига оид классик назарий манбалардан бири ҳисобланади. Ушбулар алломанинг тасаввуф илмининг етук назарийчи олим бўлганини кўрсатади.

³⁷ Бернд Рудольф Радки. Саласу мусаннафот лил-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут: 1992. – 381 б.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. А.А.Сойиҳ. (2013). Ал-Ҳаким ат-Термизий. Китоб хатм ал-авлиё. Қоҳира: Мактабат ас-сакофат ад-диния.
2. А.Мансур. (2004). Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
3. И.Таймия. (1930). Ҳақиқату мазҳаб ал-иттиҳодийин. Қоҳира: Матбаат ал-Манор.
4. М.Заҳабий. (2016). Тарих ал-ислом ва вафаёт ал-машоҳир вал-аълум. Тунис: Фазоу дорис-салом лил-китоб.
5. Т.Субкий. (2012). Табақот аш-Шофийия ал-кубро. Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
6. Х.Заҳрий тадқиқоти. (1998). Ал-Ҳаким ат-Термизий. Китобу исбот ал-илал. Ар-Работ: Матбаат ан-нажоҳ ал-жадида – Ад-Дар ал-байзоъ.
7. М.И.Жуйуший. (1980). Ал-Ҳаким ат-Термизий: дироса лиосориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дору-н-наҳда ал-арабийя.
8. У.Яҳё тадқиқоти. (1965). Ал-Ҳаким ат-Термизий. Будувву шаъни Аби Абдиллаҳ. – Байрут: Ал-Матбаъа ал-касуликийя (католическая редакция).
9. Таржимон: Ш.М.Муҳаммад Юсуф. (2021). Ҳаим Термизий. Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидаги Нодир асллар. – Тошкент: “Nilol-Nashr”.
10. А.Исфажоний. (2021). Ҳиятул-авлиё ва табақотул-асфиё. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
11. М.Суламий. (2003). Табақот ас-суфия. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
12. Таржимон: И.Усмонов. (2017). Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. – Тошкент: Мовароуннаҳр.
13. М.Заҳабий. (2012). Тазкират ал-Ҳуффоз. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
14. И.Ҳ.Асқалоний. (1998). Лисон ал-мийзон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
15. А.Жомий. (2003). Нафаҳотул-унс мин ҳазаротил-Қудс. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
16. Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. (2001). Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. –Тошкент: ЎзРФА “Фан” нашриёти.
17. Л.Массиньон, М.Абдур Розик. (1984). Ат-Тасаввуф. Араб тилига И.Хуршид, А.Юнус, Ҳ.Усмон таржимаси. – Байрут: Дар ал-Китоб ал-Лубноний.
18. Таржимон: Ж.Ҳамроқулов. (2015). Ал-Ҳаким ат-Термизий. “Ал-Ҳаж ва асроруху” асари таржимасининг кириш қисми. – Тошкент: Мовароуннаҳр.
19. И.Усмонов, А.Маллабоев. (2020). Ал-Ҳаким ат-Термизий. “Наводир ал-усул” (илмий-танқидий матн) кириш қисми. – Тошкент: “ЎзХИА” нашриёт-матбаа бирлашмаси.